

МУГАЛЛИМ ҲАМ УЗЛИКСИЗ БИЛИМЛЕНДИРИҶ



ISSN 2181-7138

№ 1 2022 жыл

Илимий-методикалық журнал

Редактор:

А. Тилеенов

Редакция аъзалары:

Мақсат АЙЫМБЕТОВ
Нағмет АЙЫМБЕТОВ
Кеңесбай АЛЛАМБЕРГЕНОВ
Дилшодхўжа АЙТБАЕВ
Гулбахар АБЫЛОВА
Өсербай ӨЛЕҶОВ
Аскар ДЖУМАШЕВ
Гулнара ЖУМАШЕВА
Батырбек КАИПБЕРГЕНОВ
Амангелди КАМАЛОВ
Сарсен КАЗАХБАЕВ
Гулмира КАРЛЫБАЕВА
Сабит НУРЖАНОВ
Уролбой МИРСАНОВ
Арзы ПАЗЫЛОВ
Зухра СЕИТОВА
Айдын СУЛТАНОВА
Тажибай УТЕБАЕВ
Ризамат ШОДНОВ
Ойбахор ШАМИЕВА
Бекзод ХОДЖАЕВ
Дўстназар ХИММАТАЛИЕВ
Гулурухсор ЭРТАШЕВА

Шўлкемлестириўшилер:

Қарақалнақстан Республикасы
Халық билимлендириў
Министрлиги, ӨЗПНИИ
Қарақалнақстан филиалы

Өзбекстан Республикасы
Министрлер Кабинети
жанындағы Жоқарғы
Аттестация Комиссиясы
Президиумының 25.10.2007
жыл (№138) қарары менен
дизимге алынды

Қарақалнақстан Баспа сөз хам
хабар агентлиги тәрәпинен
2007-жылы 14-февральдан дизимге
алынды №01-044-санлы гуўалық
берилген.

Мәзил: Нөкис қаласы,
Ерназар Алакөз көшеси №54
Тел.: 224-23-00
e-mail: uzniipnkkf@mail.uz,
mugallim-pednauk@mail.uz
www.mugallim-uzliksiz-bilim.uz

Журналға келген мақалаларға жуўап қайтарылмайды, журналда жарияланған мақалалардан алынған узиндилер «Мугаллим хам узликсиз билимлендириў» журналынан алынды, деп корсетилиўи шэрт. Журналға 5-6 бет квлеминдеги материаллар еки интервалда TIMES NEW ROMAN шриф тинде электрон версиясы менен бирге қабыл етиледи. Мақалада келтирилген маглыўматларға автор жуўапкер.

МАЗМУНЫ

ТИЛ ҲАМ ӘДБИЯТ

<i>G'anibayeva B., Abduraxmanov M. Tilimizdagi omonim so'zlarning ahamiyati va tahlili</i>	4-8
<i>Юсупова Ф.М. Рус тили фани ўқитувчисида маданиятлараро мулоқот компетенциясини шакллантиришнинг ўзига хос хусусиятлари</i>	8-15
<i>Нарманов А.Х. Болалар нутқини ривожлантириш илмий-педагогик муаммо сифатида</i>	15-19

ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ

<i>Ботирова Ш.И. Принцип социального партнерства в преподавании инновационного кластера педагогического образования</i>	20-23
<i>Tashtemirova S.A., Tashtemirov R.A. Pedagogical approaches in education and their importance</i>	24-30
<i>Жабборов О.М. “Тарбия” фани ва унга оид меъёрий хужжатлар</i>	30-36
<i>Дусчанова Н.С. Шахсга йўналтирилган ёндашув афзалликлари</i>	36-42
<i>Azimov D.G'. Imkoniyati cheklangan bolalarni o'qitish va tarbiyalashda musiqaning motivatsion va didaktik imkoniyatlari</i>	42-47
<i>Tashpo'latova D. Integratsiya asosida ta'lim samaradorligini oshirish usullari</i>	47-52
<i>Raxmonov N.B. Inson hayoti xavfsizligini ta'minlash masalasida pedagogik ta'lim-tarbiya zarurati</i>	52-58
<i>Kurbanova F.K. Chet tilini o'qitish sharoitida bo'lajak o'qituvchilarning madaniyatlararo kompetensiyasini rivojlantirish usullari</i>	58-66
<i>Shaymatov J.N. Ofitser-o'qituvchining kasbiy-pedagogik kompetentligini rivojlantirish asosida innovatsion faoliyatga tayyorlash</i>	66-72
<i>Eshqoraev Q.A. Masofaviy ta'lim modellari va uning xususiyatlari</i>	72-78

МИЛЛИЙ ИДЕЯ ҲАМ РУЎХИЙЛҚ ТИЙКАРЛАРИ, ТАРИЙХ, ФИЛОСОФИЯ

<i>Мусурмонов Р., Мусурмонова М. Талабаларга Ал-ҳаким ат-Термизийнинг илмий-педагогик меросини ўргатиш замон талаби</i>	79-85
<i>Ахмадҷонов Д.Б. Герменевтик ёндашув асосида бағрикенглик компетенциясини ривожлантириш</i>	85-89

ФИЗИКА, МАТЕМАТИКА, ИНФОРМАТИКА

<i>Исмаилов А.А. Роль мультимедийных технологий в преподавании физики</i>	90-94
---	-------

БАСЛАЎШ КЛАСС, МЕКТЕНКЕ ШЕКЕМГИ ТЭРБИЯ

<i>Эшманова Н. Бошланғич синф ўқувчиларида ёзма нутқни такомиллаштириш тизими</i>	95-99
---	-------

ФИЗИКАЛЫҚ ТЭРБИЯ ҲАМ СПОРТ

<i>Мардонов Ш.Қ., Абдувайитова Д. Ўсмирларда спорт эстетикасига оид тасаввур ва қизиқишларини шакллантириш</i>	100-106
--	---------

РЕЗЮМЕ

В статье предложены предложения и рекомендации по изучению научно-педагогического наследия великого мыслителя ал-Хакима ат-Термизи, с точки зрения объективной задачи изучения духовно-просветительского наследия, созданного великими учеными и мыслителями, изучения идей в своих произведениях, прославляющих постоянство нации и общества.

SUMMARY

The article offers suggestions and recommendations for the study of the scientific and pedagogical heritage of the great thinker al-Hakim at-Termizi, from the point of view of the objective task of studying the spiritual and educational heritage created by great scientists and thinkers, studying the ideas in their works, glorifying the permanence of the nation and society.

ГЕРМЕНЕВТИК ЁНДАШУВ АСОСИДА БАҒРИКЕНГЛИК КОМПЕТЕНЦИЯСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

Ахмаджонов Д.Б.

Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти

Таянч сўзлар: бағрикенглик, герменевтик ҳис-туйғу, ҳамжихатлик, интерпретация, демократик, инсонпарвар, идрок, қадрият

Ключевые слова: толерантность, германское чувство, гармония, интерпретация, демократический, гуманный, восприятие, ценность

Keywords: tolerance, germanic feeling, harmony, interpretation, democratic, humane, perception, value

Ўзбекистонда “Миллатлараро тотувлик, бағрикенгликни ва ҳамжихатликни таъминлаш бўйича жамоатчилик кенгашлари фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги қарор қабул қилинган бўлиб, бунда мамлакатда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш, давлат ва жамият ўртасида таъсирчан ҳамда самарали мулоқотни йўлга қўйиш, давлат органлари фаолияти бўйича жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг мустаҳкам механизмларини ривожлантириш”[1] вазифалари белгиланган. Шунингдек сўнгги йилларда ижтимоийлик, ижтимоийлашув билан боғлиқ кўпгина муаммоларни ўрганиш долзарблиги ортиб, бу шахс ва жамият, шахс ва шахс, шахс ва табиат ўртасидаги муносабатлар категорияси ва фалсафанинг таркибий бир қисми сифатида ўз ўрнини янада мустаҳкамлади. Ҳамкорлик, умумий ишлаб чиқариш, ташкил қилиш, ижодкорлик, анъанавий келишув, зўравонликларсиз ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш билан боғлиқ кўплаб муаммолар ҳал қилиниши керак бўлган турли даражалардаги масалаларда садоқат, бағрикенглик, толерантлик тушунчалари шаффофликни таъминлаб берувчи категория сифатида қўллаб-қувватланилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев: “Ўзбекистонда мустақил ва кучли давлат барпо этишдан энг муҳим мақсад – инсон, унинг манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликлари ҳурмат қилинадиган, асосий қадрият бўлган адолатли жамият барпо этилишини кўрмоқдамиз”[2], деб белгилаб берди. Таъкидлаш жоизки, узоқ вақт бағрикенглик фақат Ғарб цивилизацияси ҳодисаси, Ғарб маданиятининг ютуғи сифатида тан олинган. Бироқ, бугунги кунда Европа ва Америка тарихчилари, сиёсатшунос ва маданиятшуносларининг аксарияти бағрикенглик (диний, этник, маданий) Шарқда қадим замонлардан бери мавжуд бўлиб келган ва фақат кейинчалик Ғарб жамияти томонидан қабул қилинган толерантлик кучайиб бораётган масъулият сифатида эълон қилина бошланганлигини таъкидлаб ўтган.

Бағрикенглик фақатгина диний ва сиёсий қадрият бўлиб қолмай, унинг туб моҳиятида бошқалар билан муносабатда бўлиш, тажрибалар ётади ва бу бағрикенглик феноменини герменевтик ёндашув асосида изоҳлаб ўтишни талаб қилади. Маълумки, герменевтик ёндашув шахсий сифатларни, тажрибаларни ва унинг аҳамиятларини аниқлаш учун шахсни турли кўринишларини кузатишга имкон беради. Бу ҳолатда биз педагогик нуқтаи назаридан таълим олувчиларни таълим берувчилар томонидан кузатилишини эътиборга олишимиз лозим. Айтиш мумкинки, педагогикада герменевтик ёндашув ҳар қимни ўзи каби қабул қилиш ва тушуниш билан бирга ўзини ҳам, бошқаларни ҳам тушунишга имкон берадиган педагогик тизимлар, яъни “ўқитувчи - ўқувчи”, “ўқувчи - ўқувчи”, “ўқувчи - гуруҳ” фаолиятидаги субъект ва субъект муносабатининг коммуникативлигини белгилаб беради[3]. Бунда албатта, жонли мулоқотга асосланган бағрикенгликни ривожлантириш жуда муҳим саналади. Демак, таълим олувчиларда бағрикенгликни герменевтик ёндашув асосида ривожлантириш дунёни ва ўзини англашнинг моҳиятини билишдан бошланади деган хулосага келиш мумкин.

Бағрикенгликни толерантлик фалсафаси асосида ривожлантириш мумкин, у фалсафий категория сифатида инсон ҳаётининг барча соҳаларида муросасизлик, тажовузкорлик кўринишлари билан боғлиқ ҳолда белгиланади. Бағрикенглик одамлар ўртасидаги фарқларга бағрикенглик, турли одамлар ва ғоялар дунёсида яшаш санъати, бошқалар ҳуқуқлари ва эркинликларига тажовузсиз, ўз демократиясига эга бўлиш қобилиятидир. Бағрикенглик компетенциясини педагогик герменевтика орқали ривожлантириш таълим амалиётида жараёнларни тушуниш, изоҳлаш ва аниқлаш муаммосини ўрганади, таълим олувчиларнинг бағрикенглик маданиятини ривожлантириш жараёнларида таълим берувчига ёрдам беради. Бу жараёнда герменевтиканинг вазифаси таълим фаолиятида ўқув жараёни мақсадини тўғри белгилаш, сабабларни аниқлаштириш орқали мақсадга эришиш воситаларини излаш

кабилардан иборат. Герменевтиканинг инсоннинг маънавий фаолиятини тушуниш ва уни талқин қилиш санъати сифатидаги акси бағрикенглик компетенцияси юқори шахсга эга бўлишдаги энг муҳим жиҳатидир.

Олий таълим муассасаларида ўқитувчининг педагогик фаолиятига герменевтик ёндашувларни жорий этиш таълимни ривожлантиришда, субъект-субъект муносабатидаги янги концептуал босқичини ифодалайди. Бу ёндашув ўқитувчининг таълим муассасасидаги мавжуд ҳодисаларни ўзаро боғлиқлигини англаш, сабаб-оқибатларини аниқлаш қобилиятини англатади. Педагогик герменевтиканинг бағрикенгликни ривожлантиришдаги ўзига хос хусусиятларига эътибор қаратадиган бўлсак, у таълим олувчини тушунишга, унда мавжуд бўладиган “англашилмовчилик” ҳолатини бартараф этишга, талабалар муҳитини инсонпарварлаштиришнинг долзарб муаммоларини ҳал қилишга ёрдам беради.

Ўқитувчининг педагогик-касбий фаолиятида ўқув жараёнларидаги зиддиятли ҳолатлар, мураккабликлар объект сифатида доим уни қийинчиликларига, тушунмовчиликларга сабаб бўлган, бу ҳолат ўз навбатида ўқитувчи-ўқувчи ўртасидаги зиддиятларга олиб келади ва бу таълим субъектларнинг руҳий ҳолатига салбий таъсир кўрсатади. Таълим олувчидаги ўзига хос сифатлар ўзгарувчан бўлиб, бундай ҳолатларда эмпатия, “ҳис қилиш”, “тинглаш” каби ҳаракатлар асосидаги яхлит тафаккур ўқитувчининг таълим олувчи ўзига хослигини тушунишига ёрдам беради. Бу жараёнларда герменевтик усулни ўзлаштиришнинг ўқитувчи касбий фикрлаш маданиятини оширишда, ўз бағрикенглик маданиятини ривожлантиришда катта аҳамиятга эгаллиги билан ажралиб туради. Бағрикенгликни ривожлантириш йўллари ҳиссий, интеллектуал ва руҳий жараёндир, у ўзини, унга яқин бўлган сифатларни (миллатлараро тотувлик, ҳамжихатлик, бирлик), онгни ўзгартириш асосида ривожланади. Герменевтик ёндашувнинг дунёни идрок этиш контекстидаги аҳамияти эса, айнан бағрикенгликнинг юқоридаги ривожланиш жараёнларига таъсир кўрсатади. Инсондаги қадриятлар, муносабатлар, объектив ва субъектив кечинмалар ҳамда ҳис-туйғулар ортида “кўринмасликни кўриш” мумкин бўлган тенгсизлик табиатига эга сифатларни интеллектуал тарзда маълум қилиш мураккаб бўлиб, бунда герменевтиканинг инсонни тушунишга қаратилган усуллари жалб қилиш лозим.

1. Интерпретация усуллари (тор маънодаги герменевтика). Бу ерда қатъий методология йўқ, лекин герменевтиканинг шарҳланган мазмунни ҳақиқий маъносига йўналтириш тамойиллари мавжуд. Бунда ўқитувчи талабанинг хулқ-атворини шарҳлаганда таълим олувчини тан олиши, унинг “ўзлигини”, индивидуаллигини ҳурмат қилиши, унинг хулқ-атвори ўзи учун субъектив, ҳақиқий маънога эга эканлигини тушуниши лозим. Бу жараёнда

“герменевтик доира” тамойили устувор бўлиб, унинг моҳияти “бутуннинг бирлиги алоҳида қисмларни тушуниш орқали аниқланади ва ҳар бир қисмнинг маъноси бутуннинг контекстида тушунилади”[4].

2. Тадқиқ қилувчининг ҳис-туйғулари ва сезгиларига таянишга, тадқиқ қилинувчининг ички дунёсини унинг ўзига хослиги ва яхлитлиги билан англашга ёрдам берадиган усул. Бу усул бир инсоннинг бошқа бир инсонга нисбатан инсоний муносабатларни ривожлантириш жараёни билан боғлиқ бўлиб, диологик муносабатни назарда тутди. Герменевтик ёндашув асосидаги педагогика оддий инсоний мулоқотни англатиб, ўз-ўзини ва ўзгаларни тушунишга, ўзини бошқаларга, бошқаларни эса ўзига қабул қилишга тарғиб қилади ва бағрикенгликни ривожлантиришда герменевтиканинг бу хусусиятларига зарурат туғилади. Чунки ўқитувчи педагогик фаолиятининг асосини жонли мулоқот ташкил этади, у ҳамкорлик тамойилларига кўра ҳаракатланади. У бағрикенгликнинг тушуниш, эмпатия, ҳамфикрлилик, ўзаро ёрдам бериш каби педагогик тамойилларига асосланган ўринда туради. Ўқитувчи талабага нисбатан сабр-тоқатли, чидамли, дўстона, инсонпарвар ва демократик тамойилларга асосланган муносабатда ҳаракатланади.

Демак, бағрикенглик таълим тарбияси ҳис-туйғуларни шакллантирувчи салоҳиятга эга бўлиб, ўзида фалсафий ва дидактик мазмун касб этади, дунёни ва ўзликни бир бутун интеграциясини англашнинг ўзига хос хусусиятларини ифодалайди ҳамда бу ҳаракатларни фаоллаштиради

Юқоридаги асослардан келиб чиқиб, бағрикенглик тушунчасига қуйидагича таъриф бериш мумкин: бағрикенглик бу инсоннинг онгли, масъулиятли ва мазмунли танлови бўлиб, унинг шахсий ва индивидуал ўрни ҳамда муайян вазифаларни бажариш учун зарур бўлган коммуникатив қобилиятининг мақсадга мувофиқлигини белгилайдиган тушунча ҳисобланади. Шахснинг ён атрофидаги дўстларини фикр ва ғояларини ҳурмат қилишга, бошқа инсоннинг ёки туйғунинг кадр-қимматини тан олишга йўналтирилганлиги унинг бағрикенглигидан далолатдир, деган хулосага келиш мумкин. Таълим муҳитининг бағрикенгликнинг қулай механизмлари орқали императив ёндашув асосида ташкил қилиниши муҳим аҳамият касб этмоқда. Сиёсий жараёнларнинг турли қарашлари, муносабатлари, позициялари, ҳаракат усуллариининг хилма-хиллиги қарама -қаршиликка айланмасдан, оптимал ечимларни топиш, излашга имкон берадиган шароит яратиш зарур. Бағрикенглик хусусийлик, умумийлик, фарқлилик ва ўхшашлик тамойиларининг интеграцион занжири ҳисобланади. Ёшларнинг ижтимоий фаоллиги, уларнинг бирдамлик ҳаракатлари, умумий манфаатлардаги ҳаракатлари ижтимоий масъулият орқали таъминланади. Айнан ижтимоий

масъулият инсон ва унинг маданиятини, ҳуқуқини тан олиш ва ҳурмат қилишда ўзини намоён қилади. Фикрлар хилма хиллиги таъсирида бағрикенглик муаммоси янги сифат ва мазмун касб этди.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси ВМсининг “Миллатлараро тотувлик, бағрикенглик ва ҳамжихатликни таъминлаш бўйича жамоатчилик кенгашлари фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги қарори. № 723. Тошкент. 2020 йил 17 ноябр. / ҚҲММБ: 09/20/723/1521 8.11.2020 й.
2. Образование и просвещение – путь к миру и созиданию. Выступление и.о. Президента РУз Ш.М.Мирзиёева на церемонии открытия 43-сессии Совета Министров ОИС. //Народное слово 2016 19 октября.
3. Головатая Л.В. Толерантность как проблема философии образования: Авто-реф.дис. ...канд.философ.наук. Ставрополь, 2006. 24 с.
4. Фролова Н.Г. Воспитание культуры толерантности: герменевтический аспект // "Письма в Emissia.Offline".: 2002
5. Асмолов А. Г. Толерантность от утопии к реальности // На пути к толерантному сознанию. М., 2000, С. 4-10.
6. Риэрдон Б. Толерантность — дорога к миру. М., 2001.

РЕЗИЮМЕ

Мақолада таълим олувчиларда бағрикенглик компетенциясини ривожлантиришнинг долзарблиги, зарурати ва аҳамияти белгилаб ўтилган бўлиб, педагогика соҳасида бағрикенгликни герменевтик ва аксеологик ёндашувлар асосида ривожлантириш усуллари асослаб берилган.

РЕЗИЮМЕ

В статье определены актуальность, необходимость и важность развития толерантной компетентности у педагогов, а также обоснованы методы развития толерантности в педагогике на основе герменевтического и аксеологического подходов.

SUMMARY

The article defines the relevance, necessity and importance of the development of tolerant competence among teachers, and also substantiates the methods of developing tolerance in pedagogy based on hermeneutical and axiological approaches.